## Ўзбекистон – Туркия:
# ЯҚИН ДЎСТ, СИНАЛГАН, ИШОНЧЛИ ШЕРИК

***“Илм-маърифат ва китобхонлик маданиятига бўлган катта қизиқиш ва эътибор халқларимизни ўзаро яқинлаштирадиган бебаҳо қадриятдир”.***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикаси Президенти девони Халқ кутубхонасининг тантанали очилиш маросимида айтган бу сўзлари икки қардош мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларида илм-фан, маърифат, таълим, маданият, маънавият соҳаларини биргаликда ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга эканлигидан далолат.

Хўш, одамларимизнинг онгу тафаккури, салоҳиятини бойитадиган, мамлакатимизнинг эртанги куни, тараққиётини, дунёда тутган ўрнини белгилайдиган бу каби муҳим йўналишлардаги ҳамкорликда нега айнан Туркияга алоҳида эътибор қаратилмоқда? Жаҳонда ушбу давлатдан-да юксакроқ марраларга эришган мамлакатлар кўп-ку?

Бу саволларга жавобни қардош турк элининг азалдан халқимизга яқин дўст, синалган ҳамкор, ишончли шерик бўлиб келгани билан изоҳлаш мумкин. Зеро, улуғ маърифатпарвар бобомиз Абдулла Қодирий таъкидлаганидек, мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайрлидир.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон билан Туркияни муштарак тил ва тарих, ўхшаш маданият, яқин дўстлик ва қардошлик муносабатлари бирлаштириб туради. Халқларимизнинг маданий ҳамкорлиги илдизлари теран. Ота-боболаримиз азалдан ўзаро дўст, иноқ, ҳамкор ва ҳаммаслак бўлиб келганлар. Масалан, Рум элида туғилиб камолга етган Қозизода Румий буюк давлат арбоби ва аллома Мирзо Улуғбек расадхонасида алоҳида мавқега эга бўлган. Ўз навбатида, ҳаётининг сўнгги йилларини Туркияда ўтказган Али Қушчи Мирзо Улуғбекнинг садоқатли шогирди, машҳур астроном ва математик эди. Ушбу олимнинг бебаҳо илмий мероси нафақат Туркияда, балки бутун дунёда аниқ фанлар ривожида беқиёс аҳамият касб этди.

Туркия адабиёти буюк сўз санъаткори, мутафаккир, шоир Алишер Навоий ижодидан озиқланган. Ҳамиша ушбу буюк зотга катта ҳурмат-эҳтиром билан қараган. Жумладан, XV асрда турк ҳукмдори Боязид Иккинчининг Султон Ҳусайн Бойқаро, хусусан, Алишер Навоий билан мактублар ҳамда элчилар орқали ўзаро мулоқотда бўлгани, улуғ аждодимизнинг турк адабиётига улкан ижобий таъсирини юқори баҳолагани тарихий манбалардан маълум.

XX аср бошида жадид боболаримиз ҳам турк маърифатпарварлари билан маданий-маърифий алоқаларни мустаҳкамлашга интилган. Ушбу диёрда таълим олиб, юртимиз ва халқимизнинг миллий манфаатлари учун курашда янги ғоя, куч ва маънавий таянчларга эга бўлган.

Ўша йилларда Туркияда таҳсил олган Абдурауф Фитрат, Муҳаммадшариф Сўфизода, Саид Аҳрорий сингари атоқли адиб ва арбобларимиз, турк маданияти ва адабиёти руҳида тарбия топган Маҳмудхўжа Беҳбудий, Ибрат, Абдулла Авлоний, Чўлпон каби ўнлаб улуғ ватандошларимизнинг халқимизнинг истиқлолга эришиб, бугунги дориломон кунларда яшаётганида алоҳида ўрни бор.

Туркиянинг Ўзбекистон мустақиллигини биринчи бўлиб тан олганида ҳам ана шу самимий дўстлик, яқин ҳамкорлик ва қардошлик алоҳида аҳамият касб этган эди.

1996 йилда мамлакатларимиз ўртасида Абадий дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланган. 2017 йил октябрь ойида Президент Шавкат Мирзиёевнинг Туркияга илк давлат ташрифи чоғида мамлакатларимиз ҳамкорлигини стратегик шериклик даражасига кўтарадиган қўшма баёнот имзоланди.

Ҳамкорлик алоқалари стратегик шериклик даражасида изчил ривожланиб бормоқда. Президентлар турли халқаро тадбирларда тез-тез учрашяпти. Ҳар икки мамлакатга олий даражадаги сафарлар ташкил қилинмоқда. Бундай учрашув ва музокараларда давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янгича кўлам билан изчил давом эттириш истиқболлари муҳокама қилинмоқда.

– Замонамизнинг йирик давлат ва сиёсат арбоби Режеп Таййип Эрдоған Жаноби Олийлари раҳбарлигида Туркия халқи эришаётган барча ютуқлар заминида, авваламбор, инсон омилига, илм-маърифатга беқиёс эътибор мужассам эканини биз яхши биламиз, – деди давлатимиз раҳбари Туркия Республикаси Президенти девони Халқ кутубхонасининг тантанали очилиш маросимида сўзлаган нутқида. – Сизларнинг бу борадаги ноёб тажрибангизни ўрганишга доимо интиламиз.

Президентимиз қайд этган эзгу ишлар жадаллик билан ҳаётга кўчаётганини барчамиз кўриб, гувоҳи бўлиб турибмиз.

Шу ўринда Ўзбекистон ва Туркия ўртасида иқтисодиёт, савдо, туризм, транспорт ва бошқа соҳаларда ҳам ўзаро манфаатли дўстона муносабатлар янги поғонага кўтарилганини таъкидламоқ жоиз. Жумладан, кейинги йилларда яратилган қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳити самарасида турк бизнеси вакиллари юртимиздаги фаолиятини янада кенгайтирди. 2019 йилда ўзаро савдо ҳажми 2,5 миллиард АҚШ долларидан ошди.

Айни пайтда Туркия билан 500 миллион долларлик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Бундан уч йил олдин 20 миллион доллар ҳам бўлмаган. Турк ишбилармонларининг “ота юрт” деб эъзозлайдиган Ўзбекистонга сармоя киритишга қизиқиши ва интилиши юқори. Ўтган йилнинг ўзида қўшма ширкатлар салкам 500 тага кўпайиб, қарийб 1 минг 300 тани ташкил этгани ҳам сўзимизни исботлайди. Зеро, бу кўрсаткичлар шунчаки рақамлар эмас. Улар икки мамлакат ўртасидаги ишонч ришталари тобора мустаҳкамланиб бораётганини ифодалайди.

Туркия билан ҳамкорликда енгил саноат, хусусан, тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш алоҳида аҳамиятга эга. Чунончи, “Made in Turkey” деган ёзув туширилган кийим-кечаклар, уй хўжалигида фойдаланиладиган маиший трикотаж товарлари нафақат юртимизда, балки бутун дунёда алоҳида қийматга эга. Сифат, қулайлик, бежиримлик турк брендларининг асосий хусусиятига айланган. Шу боис мамлакатимизда Туркиянинг етакчи компаниялари билан тўқимачилик корхоналари ташкил этиш ва етиштирилаётган пахтани тўлиқ қайта ишлаб, тайёр маҳсулот учун сертификатлашни жорий этиш ҳамда жаҳон бозорига йўналтириш мўлжалланмоқда. Бу борада илм-фанни ривожлантириш мақсадида қардош юртнинг Эге, Окан ва Истанбул техника университетлари билан музокаралар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда туркиялик ишбилармон доиралари учун қулай шароит яратиш, инвестиция муҳитини яхшилаш билан бирга, маданий-гуманитар алмашинув дастурларини амалга оширишга кенг имкониятлар яратилмоқда. Бундай ҳаётбахш ўзгариш ва янгиланишларга туркиялик таълим, илм-фан соҳаси вакиллари катта қизиқиш билан қарамоқда.

Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ҳамкорлик алоҳида ўрин тутмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги делегацияси шу йил 22-23 февраль кунлари Туркиянинг Анталия шаҳрида ўтказилган “Анъанавий спорт турлари ва ўйинларини қўллаб-қувватлашда ҳукуматлар аҳамияти” мавзусидаги III халқаро этноспорт форумида иштирок этиб қайтди.

Маълумки, жорий йил Туркияда Бутунжаҳон кўчманчилар спорт ўйинлари ўтказилади. Унда юртимиз спорт делегацияси ҳам қатнашиши режалаштирилган. Ўз навбатида ҳукуматимиз томонидан Ўзбекистоннинг ушбу нуфузли спорт тадбирида муносиб иштирок этиши белгиланган.

III халқаро этноспорт форумида Осиё, Европа, Африка қитъаларидаги 46 та давлатдан 200 нафардан ортиқ делегат қатнашди. Шунингдек, форумни БМТ ҳамда ЮНЕСКО вакиллари ҳам кузатиб боришди. Ушбу тадбир доирасида Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Туркия ёшлар ва спорт вазирлиги, Бутунжаҳон этноспорт конфедерацияси ҳамда 8 та давлат спорт вазирлари ўртасида миллий спорт турлари ва ўйинлари шуҳратини ошириш, улар билан боғлиқ спорт ташкилотларини қўллаб-қувватлаш, бу соҳада давлатлар ўртасида институционал ҳамкорликни кенгайтириш бўйича қўшма баёнот имзоланди.

Ўзаро ҳамкорлик доирасида белгиланган чора-тадбирлар бизнинг олий ўқув юрти жамоаси зиммасига ҳам қатор вазифалар юклайди. Туркиянинг жисмоний тарбия ва спорт соҳаларида малакали мутахассислар тайёрлайдиган етакчи институт ва университетлари билан алоқаларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратганмиз. Биргаликда қўшма факультетлар очиш, қўшма дастурлар асосида профессор-ўқитувчи ва талабалар алмашинувини йўлга қўйиш ниятимиз бор. Келгусида ушбу мамлакатга амалга ошириладиган хизмат сафаримиз давомида ҳамкорлик йўналишларининг аниқ механизмлари белгилаб олинади.

Икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг истиқболини Президентимизнинг ташрифи якунида юз берган бир воқеа янада мустаҳкамлади. Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоған расмий протокол қоидаларидан ташқарига чиққан ҳолда Президентимиз Шавкат Мирзиёевни аэропортда шахсан ўзи кузатиб қўйди. Бу икки давлат раҳбари ўртасидаги чинакам дўстликка, яқинликка рамзий бир ишорадир.

Яна бир гап: Президентимиз янгидан очилаётган Туркия Президенти девонининг Халқ кутубхонасига “Тўйга тўёна сифатида” 350 дан зиёд турли мавзудаги ноёб китобларни туҳфа этди. Ушбу китоблар орасида нафақат Туркия, балки бутун мусулмон оламининг оташнафас шоири бўлган Юнус Эмронинг давлатимиз раҳбарининг “сўзбоши”си билан мамлакатимизда ўзбек тилида нашр этилган “Ўлмас кўнгул” номли китоби ҳам борлиги бежиз эмасди. Зеро, ушбу дилбар шоирнинг Президентимиз тантанали маросимда ўқиб берган қуйидаги шеърий сатрлари ўзаро алоқаларнинг юксак самимият ва мустаҳкам ишончга асосланганини ифодалайди:

*Менинг тилим – қуш тилидур,*
*Менинг қўлим – дўст қўлидур.*
*Мен булбулман, дўст гулимдур,*
*Билинг, гулим сўлмас менинг.*

**М.БОЛТАБАЕВ,**
**Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ректори**

---

*Тошкент шаҳар ҳокимининг*
*ҚАРОРИ*

# ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЕР УЧАСТКАСИДАН ДОИМИЙ ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚИНИНГ МИНИМАЛ ҚИЙМАТИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 9-сон, 320-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 декабрдаги “Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун бўш турган ер участкаларини бериш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 1023-сон қарори (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 2019 йил 21 декабрь) ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 февралдаги 02/1-2631-сон топшириғи ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар Молия бош бошқармаси, Давлат солиқ бошқармаси ва Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаларининг тавсияларини инобатга олиб,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Тошкент шаҳрида ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқининг минимал қиймати зоналар кесимида 1-иловага, туманлар кесимида 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси (Н.Турсунов) Тошкент шаҳрида ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқининг минимал қиймати тасдиқланган санадан эътиборан бир иш куни ичида “YERELEKTRON” автоматлаштирилган ахборот тизимига киритилишини таъминласин.

3. Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси (М.Файзуллаев) ер участкалари бўйича келишилган ёки ижобий хулоса берилган кундан бошлаб беш иш куни ичида ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқининг тасдиқланган минимал қиймати асосида ер участкасининг бошланғич нархини белгиласин.

4. Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси (Н.Турсунов), Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси (М.Файзуллаев), Молия бош бошқармаси (Л.Исматуллаев) Тошкент шаҳрида тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун бўш турган ер участкаларини электрон онлайн-аукцион орқали доимий фойдаланишга бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 декабрдаги 1023-сон қарори билан тасдиқланган тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини электрон онлайн-аукцион орқали бериш тартиби тўғрисидаги низом талабларига асосан амалга оширилиши таъминлансин.

5. Мазкур қарор “Тошкент оқшоми” ва “Вечерний Ташкент” газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

6. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

7. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Х.Шакиров зиммасига юклатилсин.

**Тошкент шаҳар ҳокими**
**Ж.Артикходжаев**

*2020 йил 11 март*

---

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Давлат божхона қўмитаси томонидан матбуот анжумани ўтказилди.***

## ХАВФНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИ:
# САМАРА ВА АФЗАЛЛИКЛАР

Товар ва транспорт воситаларининг божхона назорати ва расмийлаштирувини амалга ошириш жараёнида 2018 йилнинг 1 декабридан “сариқ” ва “қизил”, 2019 йилнинг 1 мартидан эса “яшил” ва “кўк” йўлакларни қўллашни назарда тутувчи “Хавфни бошқариш тизими” амалиётга тўлиқ татбиқ этилган эди. Анжуманда шу ҳақда сўз бориб, хавфни бошқариш тизими нима, божхона соҳасида қандай муаммолар мавжуд, каби саволлар ўртага ташланди.

Тадбирда Давлат божхона қўмитаси раиси ўринбосари Бахтиёр Раҳимов мавзу бўйича журналистларга ахборот берди.

– Хавфни бошқариш тушунчаси янги тушунча эмас, – дейди ЎзА мухбирига Хавфларни мониторинг қилиш ва баҳолаш бошқармаси бошлиғи Ғайрат Нуржанов. – У соҳанинг тараққий этишига, ундаги фаолиятни соддалаштиришга кўмаклашади. Тизимни жорий этишдан мақсад ҳам хавфнинг олдини олиш ва уларни имкон қадар камайтиришдан иборат. Бир йил ичида тизим тўлақонли ўзини оқлади. Хавфни бошқариш тизими ўз фаолиятини божхона қоидаларига амал қилувчи тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ўрнатилган тартибларга риоя қилмайдиган ТИФ иштирокчилари фаолияти устидан назоратни амалга оширади.

Тадбирда ушбу тизимнинг афзаллик томонлари ҳақида маълумот берилди. Экспортга мазкур тизим жорий этилишига қадар 136 дақиқа сарфланган бўлса, ҳозир муддат 3 бараварга қисқариб, 44 дақиқани ташкил этган. Импортда тизим жорий этилишидан олдин 394 дақиқа сарфланган бўлса, ҳозирги кунда мазкур муддат 2,6 маротаба қисқариб, 154 дақиқани олиши қайд қилинди.

Жаҳон банки Ўзбекистонни “Бизнесни юритиш” халқаро рейтинги доирасида бизнесни илгари суриш соҳасида улкан ислоҳотларни амалга оширган давлат сифатида қайд этган. Шунингдек, божхона тизимида хавфларни таҳлил қилиш асосида сифат жиҳатидан янги божхона назорати тартиблари жорий этилганлигини таъкидлади.

**Дилобар МАМАТОВА**

---

## “AGROWORLD UZBEKISTAN – 2020”:
# ЯНГИЛИК, ТАЖРИБА ВА ҲАМКОРЛИК ИМКОНИЯТИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Бу йилги кўргазма павильонларида чорвачилик ва паррандачилик учун ускуналар, омихта ем, ветеринария, дон маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш ускуналари, мева ва сабзавотлар, сақлаш ва қайта ишлаш, иссиқхоналар учун ускуналар каби бўлимлар фаолият кўрсатади. Эътиборли жиҳати, иштирокчилар орасида 44 компания илк маротаба иштирок этаётган бўлса, уларнинг олтитаси маҳаллий ишлаб чиқарувчилардир.

– Ушбу анъанавий кўргазманинг доимий иштирокчисимиз, – деди Тошкент вилоятидаги “Чирчиқ қишлоқ хўжалиги техникаси заводи” АЖнинг маркетинг бўлими ходими Жасур Жабборқулов. – Корхонамиз томонидан ҳозирги кунда 26 турдаги қишлоқ хўжалигига доир техника ва ускуна ишлаб чиқарилади. Маҳсулотларимизга ички бозор ва қўшни мамлакатларда талаб юқори. 2016 йилда фаолиятини бошлаган заводимиз равнақи учун бу каби кўргазмалар муҳим роль ўйнайди.

Кўргазма павильонларида Туркия компаниялари фаол иштирок этаяпти. Унда “Askomak” компанияси ҳам ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда.

– Мақсадимиз юртингиз бозорини ўрганиш, – деди ушбу компания вакили Мустафо Ёлқин. – Шу вақтга қадар биз маҳсулотларимизни Россия, Қозоғистон, Африка ва Осиё давлатларига танитиб улгурганмиз. Ушбу мамлакатларда офисларимиз ишлаб турибди, заводлар ташкил этилган. Энди навбат Ўзбекистонга компанияда ишлаб чиқарилаётган омихта ем, дон маҳсулотларини қайта



ишлаш ускуналарини тақдим этиш ва офис очиш. Ўйлаймизки, ушбу халқаро кўргазма бунга яхши имкон яратади.

Кўргазма доирасида Ўзбекистоннинг глобал агросаноат форуми ташкил этилди. Ушбу “UGAF 2020” тадбири тақдимотлар, маҳорат дарслари, профессионаллар учрашувларига катта имконият яратди. Унинг ялпи мажлисида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан мамлакатнинг қишлоқ хўжалиги ривожланиш стратегиясининг тақдим этилиши муҳим аҳамиятга эга.

**Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА,**
**ЎзА мухбири**

---

# ҲАРБИЙ ПРОКУРОР ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШДИ

***Ўзбекистон Қуролли Кучлари академиясида “Ватанпарварлик – миллий юксалиш кафолати” шиори остида “Прокурор ва ёшлар учрашуви” ташкил этилди, дея хабар беради ЎзА.***

Унда Тошкент шаҳар ҳарбий прокуратураси вакиллари, курсантлар, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаоллари иштирок этди.

Тадбирда Қуролли Кучлар академияси бўйлаб экскурсия уюштирилиб, унда академия фаолияти, машғулот хоналарида ташкил этилган замонавий педагогик таълим тизими, моделлаштириш ва симуляция, ахборот-коммуникация технологиялари, курсантларнинг яшаш шароитлари ҳақида маълумот берилди.

Учрашувда курсантлардан ташкил топган фахрий қоровул взводининг қурол ҳамда қўл жангги намойиши, оркестр томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар, кўргазмали чиқишлар иштирокчиларда яхши таассурот қолдирди.

Тадбир доирасида иштирокчилар Қуролли Кучлар академияси тарихи музейига саёҳат қилди. Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти (ҳозирда Қуролли Кучлар академияси) 1918 йил 12 июлда ташкил топган. 1941-1945 йилларда фашизмга қарши олиб борилган уруш даврида билим юртида 25 та битирув ўтказилиб, 8 мингдан ортиқ офицерлар тайёрланган.

Президентимизнинг 2017 йил 25 апрелдаги тегишли қарорига мувофиқ, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти негизида янги Қуролли Кучлар академияси ташкил этилган.

Учрашувда иштирокчи ёшларга бугунги кундаги ислоҳотлар, ўзгаришлар, яратилаётган имкониятлар ҳақида маълумот берилди.

**Барно МЕЛИҚУЛОВА**

---

# ТАДБИРКОРЛАРНИНГ КЎМАКЧИСИ

***Тошкент шаҳар божхона бошқармаси томонидан тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларни қийнаб келаётган муаммоларни жойида бартараф этиш мақсадида ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари билан мунтазам учрашувлар ўтказилиб, тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.***

Ана шундай сайёр учрашувларнинг навбатдагиси Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг “Арк булоқ” ташқи иқтисодий фаолият божхона постида ташкил этилди.

Тадбир аввалида Тошкент шаҳар божхона бошқармаси бошлиғи ўринбосари Н.Салимжонов сўзга чиқиб, бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, инвестицияларни жалб қилиш ва бизнесни юритиш учун қулай муҳит яратиш, тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаш соҳасида амалга оширилаётган тизимли ишларга алоҳида тўхталиб ўтди.

Тадбир давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумат томонидан маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва экспортёрларни қўллаб-қувватлашга доир сўнгги қабул қилинган фармон ва қарорларнинг муҳим жиҳатларига, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспортида яратилган қулайликларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

Учрашув давомида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан барча вазирлик ва идоралар раҳбарлари олдига мамлакатда коррупцияга қарши курашишда жамоатчилик фикрини ўрганиш орқали улар билан биргаликда ушбу иллатга қарши курашиш зарурлиги талаби қўйилганлиги таъкидланди.

Ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларига тизимдаги коррупция ва тамагирлик ҳолатларига қарши курашишда жамоатчиликнинг ҳам фаол кўмаги зарурлиги, бунга қарши биргаликда курашиш кераклиги, бу борада божхона органлари томонидан ҳар қандай амалий ва ҳуқуқий жиҳатдан кўмак берилиши, куннинг исталган вақтида бошқарманинг (78)120-76-76 рақамига ёки божхона органларининг 11-08 рақамли “Ишонч телефони” орқали мурожаат қилишлари мумкинлиги тушунтириб ўтилди.

Учрашувда ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари ўзларини қизиқтирган бир қатор саволлар ҳамда таклифлар билан мурожаат қилди. Бу бўйича эса соҳа мутахассислари томонидан тегишли жавоблар берилди.

Тадбир сўнгида тадбиркорлик субъектларига божхона ишини такомиллаштириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига ҳар томонлама қулайликлар яратишда божхона органлари ҳар қандай кўмак беришга тайёр эканлиги таъкидланиб, тадбир иштирокчиларидан коррупция ва бошқа ҳар қандай иллатларга қарши курашишда кенг ҳамкорлик қилишлари сўралди.

**Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси**
**Ахборот хизмати**





**Қадриятларимиз**

# НИЯТ ЭЗГУ, ҚАЛБ МУНАВВАРДУР...

***Қадимий битикларда қайд этилишича, неча минг йиллар аввал Наврўз "Гули сурх" (гул сайли) деб аталган экан. Ёшяланглар кўкламнинг илк гулларидан териб, кексаларга ҳадя қилганлар. Момолар гулғунчаларни юз-кўзларига суртиб, "омонлик-сомонлик" дея эзгу тилаклар билдиришган.***

"Наврўз уч минг йиллардан бери байрам қилинади" дейилади бошқа бир манбаларда. Неча асрларки, халқнинг дилидан чуқур жой олиб, қадр-қимматини йўқотмай келаётган Наврўзимиз ажойиб урф-одатлари билан янада хосиятли. Шу куни дошқозонларда сумалаклар қайнатилади. У пишиб етилгандан сўнг идишларга сузилиб, дастлаб дардманд беморлар, камқувват кексаларга улашилади. Қишдан ҳориган таналарга қайта куч беради бу таом.

Бир-бирларига гина-кудурат сақлаб юрганлар Наврўз кунларида ярашишади. "Уч кундан ортиқ аразлашмоқ гуноҳ, бир-бировингизнинг дилингизни оғритманг" дейди уларга кексалар.

Наврўз урф-одатлари замирида ўзбекона қадрият, инсонпарварлик хислатлари бўй кўрсатиб туради. Айём кунларидаги яна бир одат — "Қўшни оши" — яъни, хонадонларда пиширилган тансиқ таомларни қўни-қўшниларга улашиб, йўқланади. Девор оша узатилган "қўшни оши" кўнгилларни бир-бирига яқинлаштириб, ўзаро ришталарни янада маҳкамроқ боғлайди. Айём арафасида бундай йўқловлар қизғин тус олади. Қишлоқ ва маҳаллалардаги кўмакка муҳтож одамлар, боқувчисини йўқотган хонадонларга айниқса кўпроқ эътибор қаратилади. Ахир кўнгли ўксик кимсага яхши сўз айтиб юпанч бермоқ қанчалар улуғ савоб!

Аждодларимиздан қолган эзгу одатлар бу йилги Наврўзда чуқур мазмун ва катта аҳамият касб этади. Бағрикенглик, сахийлик, ўзгаларга меҳр ва эътибор янада ортади.

Кўп минг йиллар илгари яратилган "Авесто" китобида ҳам "яқин кишисига меҳрибон бўлиш, муҳтожлик ва хавф-хатар остида қолганда кўмаклашиш, ёвузликка қарши, кишилар бахт-саодати учун фаол курашиш лозимлиги" ҳақида сўз юритилган экан. Демак, инсонлар қийин ҳолатга тушиб қолганларида бошқалар меҳрини ҳис этса кайфияти кўтарилади, сўнган умидлари қайта тирилади, руҳий тушкунликдан қутулиб, бардамликка эришади! Зеро, кишиларимиз қалбида фақат яхшилик, эзгулик туйғулари ҳукмрон. Қандай дейсизми?..

Ҳурлик саодати, улуғ кунлар шукронаси...

Жаннатдек юртнинг Наврўзларидан баҳраманд бўлишнинг сурури...

Меҳр-муҳаббатинг билан ўзгалар ҳаётига ёруғлик олиб кирмоқ завқи...

Кимгадир тасалли сўзини айтиб, кимнидир суяш, йиқилганни ўрнидан турғазиб унга мадад беришнинг имкони...

Кимларгадир беминнат кўмаклашиш, меҳру эътибор кўрсатиш истаги...

Инсон шу нарсаларга қодир экан, демак у ҳаётини беҳуда ўтказмай, одамийлик бурчларини адо этиб яшаяпти!

Бундай одамнинг ўзи ҳам чинакам бахтли. Бундай одамнинг ҳар куни байрам, ҳар куни Наврўздир...

Ҳазрат Навоий айтмишлар:

Зулфу рухсор ила комимга мени еткурсанг,

Ҳар тунинг қадр ўлубон, ҳар кунинг бўлсин Наврўз!

Қадаминг қутлуғ келсин, кўҳна Гули Сурх! Юртимга саломатлик, тинчлигу омонлик келтиргил Наврўз! Токи сен Аёл қалбидек гўзалсан, бола кўнглидек беғуборсан. Хайру саховат, меҳру мурувват, инсофу диёнат, бурчу садоқат эшикларини катта очиб, эзгупараст дилларни чоғ айла!

**(Ўз мухбиримиз)**

***Мамлакатимизда муҳим тарихий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Халқимиз миллий тикланишдан миллий юксалиш сари тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйди. Барча эзгу қадрият ва анъаналаримиз қатори уч минг йилдан зиёд тарихга эга бўлган Наврўзи оламнинг ҳам кундалик ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти тобора юксалмоқда.***

# САХОВАТ ҲАМДА МУРУВВАТ ТИМСОЛИ

Наврўз — шарқона янги йил сифатида барчамиз учун энг қадрли, энг азиз ва суюкли миллий байрамга айланган. Наврўзнинг ўрни, завқу шавқи бўлакча. Меҳр-оқибат, эзгулик, саховат ҳамда мурувват тимсоли саналмиш ушбу айём халқимизнинг азалий анъаналарига ҳамоҳанглиги билан янада қадрлидир.

Наврўзи оламнинг ана шундай беқиёс аҳамиятини ҳисобга олиб ҳамда бу айёмни янги Ўзбекистоннинг демократик қиёфаси, обрў-эътибори ва нуфузига ҳар томонлама муносиб тарзда нишонлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2020 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Қарорга кўра, умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита тузилади ва у "Наврўзинг – янги кун, янги даврoнинг муборак, жонажон Ўзбекистоним!" деган бош ғоя остида умумхалқ байрамини ўтказиш дастурини ишлаб чиқиб, амалга оширади.

Дастурни тайёрлашда инсон ва табиат ўртасидаги уйғунлик, атроф-муҳит, унинг неъматларини асраб-авайлаш, бугунги тинч ҳаётни қадрлаб, шукроналик туйғуси билан яшашга даъват этадиган маънавий-маърифий тадбирларни уюштириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли демократик ислоҳотлар, халқимизнинг ҳаёти, қалби ва онгида юз бераётган ижобий ўзгаришларни Наврўзнинг азалий қадрият ва анъаналарига ҳамоҳанг тарзда, таъсирчан усулларда ифода этишга алоҳида эътибор қаратилади.

Оммавий ахборот воситаларида Наврўз тарихи, уни нишонлаш билан боғлиқ урф-одат ва анъаналарнинг моҳияти ва аҳамияти кенг ёритилади. Халқимизга хос бўлган меҳр-мурувват, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик фазилатлари асосида нуроний кексаларни ҳар томонлама эъзозлаш, кўмакка муҳтож инсонларга беғараз ёрдам бериш билан боғлиқ хайрия тадбирлари амалга оширилади. Байрам арафасида барча ҳудудларда умумхалқ ҳашарлари, кенг қамровли ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишлари ташкил этилади.

"Миллий тикланишдан — миллий юксалиш" шиорига таянган ҳолда янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги ислоҳотларда фаол иштирок этишга бел боғлаган "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Сайловолди дастурида бой тарихий меросимиз, халқимизнинг урф-одат, анъана ва қадриятларини асраб-авайлаш ва кўпайтириш масалалари устувор вазифа сифатида белгиланган.

Шу маънода, партия ва ундан сайланган депутатлар Президентимизнинг Қарори ижросини таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоғи лозим. Зеро, партия ва барча даражадаги депуталик гуруҳларининг "Инсонни ўзгартириш орқали жамиятни ўзгартириш" ғояси остида амалга ошираётган саъй-ҳаракатлари халқимизни ўтаётган ҳар бир кунидан рози қилиш, одамларни эртага эмас бугун ҳам яхши яшаши учун муносиб турмуш шароитларини яратишга қаратилган.

**Жаҳонгир ЗИЯЕВ,**
**халқ депутатлари Мирзо Улуғбек туман Кенгаши депутати**

**Иккинчи жаҳон уруши бутун инсоният бошига мисли кўрилмаган даражада даҳшатли ва оғир кулфатларни солган уруш сифатида жаҳон тарихида қолди.**

1939 йил 1 сентябрь куни фашистлар Германияси қўшинларининг Полшага бостириб кириши билан бошланган бу уруш жаҳоннинг 61 мамлакатини, ер шари аҳолисининг 80 фоизини яъни 1,7 млрд. кишини ўз гирдобига тортди. Иккинчи жаҳон урушини йирик давлатлар ўртасидаги сиёсий ихтилофлар, гегемон давлатларнинг дунёга ҳукмрон бўлиш учун интилишлари келтириб чиқарди. Урушни асосий агрессив давлатлар – Германия, Италия ҳамда милитаристик Япония бошлади. Улар орасида Германия уюштирувчи, етакчи роль ўйнади. Иккинчи жаҳон уруши тўғрисидаги баъзи манбааларда ушбу уруш жами 50 миллиондан ортиқ инсон ҳаётига зомин бўлган. Собиқ совет давлати таркибида бўлган барча республикалар, мухтор округлар, шу жумладан, Ўзбекистон халқи ҳам уруш гирдобига тортилди. Ушбу даҳшатли уруш фронт ва фронт ортида Ўзбекистон халқининг бошига оғир синовларни олиб келди. Инсоният тарихидаги энг даҳшатли бу урушда 1,5 миллиондан ортиқ Ўзбекистон фуқароси қатнашган. Уларнинг ярим миллиондан зиёди ҳалок бўлган, 133 минг нафарга яқини бедарак йўқолган. 60 мингдан ортиқ ватандошимиз эса урушдан ногирон бўлиб қайтган.

Уруш олови ичида қолган ҳудудлардан юртимизга 1 миллиондан ортиқ киши кўчириб келтирилди. Уларнинг 200 минг нафари болалар эди. Халқимиз уларга бошпана бериб, сўнги бурда нонини ҳам баҳам кўриб, ота-онасидан ажралган болаларни ўз фарзандлари қатори тарбиясига олиб, бутун дунёга ҳақиқий инсонпарварлик фазилатларини намойиш этди.

Урушнинг дастлабки ойидаёқ юз минглаб ватандошларимиз, ишчилар, хизматчилар, деҳқонлар, зиёлилар, талабаёшлар ўз Ватанларини ҳимоя қилишга, ғалабани таъминлаш учун фронт ва фронт орқасида фидокорона меҳнат қилишга тайёр эканликларини билдириб, қўлга қурол олиб фронтга жўнаб кетдилар.

Урушга кўп миллатли Ўзбекистоннинг мардонавор меҳнатларида тиббиёт соҳаси вакилларининг алоҳида ўрни бор. Иккинчи жаҳон урушидаги фронт ҳамда фронт ортида меҳнат қилаётган ҳарбийлар ва ишчиларни соғликларини тиклаш, уларни қайта урушга тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон тиббиёт соҳаси ривожига улкан ҳисса қўшган таниқли тиббиёт олимлари ҳам жалб қилинган. Жумладан, радиология соҳасидаги биринчи тиббиёт фанлари доктори Джалол Максумов, тиббиёт фанлари доктори, профессор Усмон Мирахмедов, 4064-эвакогоспитал бошлиғи врач, окулист Аркадий Вайнбер, Ўзбекистонда болалар ортопедияси мактаби асосчиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, хизмат кўрсатган фан арбоби Насретдин Шаматов уруш майдонларида жасорат кўрсатганлар. Мазкур олимларнинг шахсий фондлари бугунги кунда Ўзбекистон Илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлари миллий архивида сақланмоқда.

# ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАГИ ҒАЛАБАДА ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТ СОҲАСИНИНГ ТАРИХИЙ ҲИССАСИ

Шунингдек, 1941 йилда Тошкент тиббиёт институтининг (ҳозирги Тошкент тиббиёт Академияси) битирувчилари хусусида маълумот архив ҳужжатларида мавжуд бўлиб, Карим Ахмедов, Асолат Кадирова, Хамида Гумарова, Эргаш Юсупов, Жалил Нурмухамедов каби бир қатор таниқли тиббиёт олимлари тиббиёт олийгоҳини тугатиб урушга сафарбар этилиб уруш майдонларидаги ярадор ҳамда беморларни даволаш ва урушга қайта тиклашда мардонавор меҳнат қилишган.

Уруш даврида республикада тиббиёт ходимлари ўз иш тартибларини тубдан ўзгартирдилар. Кўпгина тиббиёт муассасаларда янги меҳнат режими жорий қилинди, иш куни узайтирилди, ишдан кейин қолиб ишлаш жорий этилди, меҳнат таътиллари, дам олиш кунлари бекор қилинди. Қисқа қилиб айтганда тиббиёт ходимлари "ҳамма нарса фронт учун" деган ғоя асосида иш юритар эдилар. Қийин дамларда Республикамиз ҳудудидаги бир қатор саноат корхоналари фронт учун хизмат қилар эдилар.

Уруш даврларида "Гематология ва қон қуйиш илмий-тадқиқот институти" қон ва зардоб етказиб беришда улкан ишларни амалга оширган. Институтнинг фидокорона меҳнати туфайли кўплаб ватан ҳимоячиларининг ҳаёти сақлаб қолинган. Бутун уруш давомида институт томонидан жами 1.600 тонна консерваланган қон етказиб берилган. Самолётлар ёрдамида қон қуйиш станцияларидан миллионлаб шиша қутиларда қон ва зардоблар фронтнинг тиббий муассасаларига етказилган.

Шунингдек, урушда иштирок этиб яраланганларни даволаш ва фронтга қайтариш мақсадида Республикамиз ҳудуди, жумладан Тошкентнинг турли манзилларида эвакогоспиталлар ташкил этилди. Ана шундай эвакогоспиталлардан бири Тошкент шаҳридаги 400 ўриндан иборат 3663-сонли эвакогоспиталдир. Мазкур госпиталнинг 270 ўрин ортопедик травматология бўлимига ажратилган.

Тиббиёт ходимлари урушга жалб қилинганидан сўнг Республикада тиббиёт ходимларининг етишмовчилиги юз берган. Масалан: уруш бораётган 1943 йилда Ўзбекистонда Республика бюджетидан ҳудудларда 5857 та врачлик лавозимлари кўзда тутилган бўлиб, 4827 врач 1,2 лавозимга тўғри келиши архив ҳужжатларида қайд этилган.

Ўзбекистондан ушбу даҳшатли урушга сафарбар этилганлардан 263005 киши ҳалок бўлди, 132670 киши бедарак йўқолди, 60452 киши ногирон бўлиб қайтди. Бу маъшум уруш туфайли энг камида тўрт юз минг оила бевосита айрилиқ азобига дучор бўлган. Юз минглаб ватандошларимиз меҳнат фронтида заҳмат чекдилар, ўзи емасдан, ўзи киймасдан топган насибасини фронтга жўнатиб азоб-уқубатлар тортди. Ўзбекистонликларнинг урушда кўрсатган мардлиги ва жасорати юқори баҳоланиб, 120 минг ўзбекистонлик жангчилар, жумладан, 70 минг ўзбек йигит ва қизлари орден ва медаллар билан мукофотланди. 280 нафар Совет Иттифоқи Қаҳрамони, 82 нафар учала даражадаги "Слава" орденига сазовор бўлган.

Минг-минглаб жасур ота-боболаримиз дунёдаги кўплаб халқлар қаторида бу мудҳиш урушда чинакам қаҳрамонлик кўрсатдилар.

Бугунги озод ва эркин ҳаёт учун, фарзандларимизнинг бахти ва камоли учун биз уларнинг олдида чексиз қарздормиз. Бу азиз инсонларни асраб-авайлаш, уларнинг соғ-саломат ва мазмунли умр кечиришлари учун барча шароитларни яратиб бериш – ҳаммамизнинг муқаддас инсоний бурчимиздир.

Мана шунча йилдирки ушбу қаҳрамонликлар биз авлодлар учун ғурур-ифтихор бағишлаб келмоқда. Ишончимиз комилки ўзининг катта талафотлари билан жаҳон халқлари тарихида ном қолдирган Иккинчи жаҳон урушидаги ўзбек халқининг жасорати келгуси авлод учун ҳам мардлик ва жасорат мактаби бўлажак.

**Турғун МЎМИНОВ,**
**Ўзбекистон Илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлари миллий архиви "Ҳужжатлардан фойдаланиш ва илмий ахборот аппарати" бўлими мудири**

**Баҳорнинг фойдали кўкатлари**

## ЯЛПИЗ

***Ялпиз кўкати ошкўк, зиравор сифатида доривор омил бўлиб ишлатилади. Ўсимлик асосида олинадиган эфир мойлари саноат миқёсида тиббий дори-дармонлар тайёрлашда, упа-элик саноатида фойдаланилади.***

Ялпизнинг таркибида эфир мойлари, (ментол, ментон, пинен, фландрен, цениол, незлиол, жасмин) органик кислоталар, флавоноидлар, каротин, глюкоза, рурин, С дармондорилари, минерал тузлар ва яна бир қатор моддалар мавжуд.

Ялпиз жуда қадим замонлардан буён халқ табобати амалиётида кенг кўламда фойдаланиб келинадиган серҳосият гиёҳ ҳисобланади.

Абу Али ибн Сино ялпиз билан ичак оғриқларини даволаган. Уни овқатни ҳазм қилишни яхшиловчи, қон тўхтатувчи, қайт қилишни қолдирувчи восита сифатида тавсия этган.

Халқ табобати амалиётида ялпизнинг ер устки қисмидан тайёрланган қайнатмаси тиш оғриғи, оғиз караши, милк яллиғланишини даволашда тавсия қилинади.

А.Поповнинг берган маълумотларига қараганда, қалампир ялпизнинг асаб касалликларида, ошқозон-ичак йўли фаолиятини яхшиловчи, тинка қуриши, ҳолсизланишда, вабо ва бод касаллигида танани мустаҳкамловчи таъсири бор. Ялпиз ўт ҳайдаш хусусиятига ҳам эга, бавосил, ширинча, мичал касалликларида фойдали неъматлардан ҳисобланади.

Ялпизнинг ер устки қисмини майдалаб сувда қайнатилади ва дока воситасида сузилади. Унинг устига озроқ райҳон шираси, тенг миқдорда шакар қўшиб қиём ҳолига келгунча қайнатилади. Бу доривор омил кўнгил беҳузур бўлиб айнаганида, қайт қилишда, меъда истисқоси касаллигида ва йўталда ичилади.

Илмий тиббиёт амалиётида ялпизнинг салмоқли улуши бор. Доришунослик саноатида ялпиз таркибидаги эфир мойи validол, корвалол, олеметин, энатин, анестезол, Зеленин томчиси, Трасков эритмаси каби дорилар таркибига киритилган бўлиб, бу дорилар юрак тож қон томирларининг тиришишига (спазма) ҳамда юрак касалликлари билан оғриган беморларга тавсия этилади ва бошқа тиббий мақсадлар учун ишлатилади.

Ялпиздан доривор маҳсулот тайёрлаш учун, ўсимлик гуллашидан олдин ёки айни гуллаётган даврда ер устки қисми ўриб олиниб, қуёш нуридан пана, ҳаво эркинлиги бўлган жойларда қуритиб олинади. Қуритиб олинган маҳсулот қоғоз қопчаларга жойлаштирилиб, қуруқ, салқин жойларда сақланади.

## РОВОЧ

***Ровоч — торондошлар оиласига мансуб, кўп йиллик ўтлар туркуми. Ўрта Осиёда унинг 25 тури учрайди. Булардан 7 тури Ўзбекистонда кенг тарқалган.***

Ровоч республикамизнинг чўл, адир ва тоғ зоналарида учраб, турли хил тупроқ шароитида ўсади. Улардан Максимович ровочи (уни баъзан "чўл чуҳраси" деб аташади), Туркистон ровочи ("туя япроқ"), виттрок ровочи, татар ровочи кўп тарқалган.

Ровочнинг шифобахш хусусиятлари жуда қадим замонлардан бери маълум бўлиб, ўз вақтида Абу Али ибн Сино у билан безгак, чечак, вабо, қизамиқни даволаш билан бирга, меъдани мустаҳкамловчи омил сифатида ҳам фойдаланган. Бундан ташқари у ровочни ичак, қовуқ хасталикларининг оғриғидан фориғ этувчи, қабзиятни тўхтатувчи, неъмат сифатида тавсия этган.

Табиатшунос олим С.Саҳобиддиновнинг берган маълумотларига қараганда, ровоч халқ табобатида алоҳида ўрин тутади. Жумладан, ровоч илдизи пўстидан ажратиб қуритилади, сўнгра унинг сутли қайнатмаси ичак касалликларини даволаш учун ичирилади, зеро, у меъда фаолиятини яхшилайди, юракни мустаҳкамлайди. Шу билан бирга, ровоч илдизидан тайёрланган қайнатма қон кетишини тўхтатади. Туркистон ровочининг мурғак шох ва барглари татимли масаллиқ сифатида овқатга ишлатилади.

Айни баҳор дамлари ровочнинг сўлқилдоқ новдалари истеъмол қилиниб, ундан мураббо, шарбат-компотлар, кисель ва бошқа тур ширинликлар тайёрлашда фойдаланилади. Ровоч новдаларини сомса, варақи каби пишириқлар "мағизи" сифатида ишлатилади.

## РАЙҲОН

***Райҳон — лабгулдошларга мансуб ҳидли, эфир мойи кўп йиллик бута ва чала бута ўсимликлар туркумига киради.***

Ўрта Осиёда райҳоннинг ошрайҳон, хожирайҳон, садарайҳон, лимон исли райҳон каби эфир мойига бой бир қанча турлари бўлиб, улардан эфир мойи олиш, озиқ-овқатга хушбўй ҳид бериш, консерва ва бошқа маҳсулотларни тайёрлашда фойдаланилади.

Райҳон таркибида 1-5 фоиз атрофида эфир мойлари, 5 фоиз танин, сапонин, ўткир маза берувчи омиллар, органик кислоталар, дармондорилар мавжуд. Эфир мойларининг салмоқли ҳиссасини (55 фоиз) метил-хавикол, циенол, линалоол, оцимен, пинен ва эвгонелар ташкил қилади.

Райҳон сўзи кўҳна араб тилида "вужуди хушбўй ўсимлик" маъносини берган, форсча уни "исфарин" деб аташади. Бу "доимий қувонч" маъносини англатган.

Абу Али ибн Сино райҳон устида тўхталиб: "Уни янчиб ёки ёғини олиб, малҳам қилиб бавосилга суртилса фойда қилади" дейди.

Унинг сирка ва озроқ миқдорда туз билан қайнатма ҳолидагиси тиш оғриғини қолдиради. Райҳон баргларининг шарбати ўрта қулоқ йиринглашида фойда беради.

Ўзбек ошхонасида райҳон ошкўк ва зиравор сифатида ҳам қадрланади. Жумладан, райҳон билан гўштли ёғли масаллиқларга таъм беришда, сабзавот ва резаворларни консервалашда фойдаланилади. Райҳоннинг ажойиб хусусиятларидан яна бири мева қоқиларини ҳашаротлар зарарланишидан асраши ҳисобланади.

Райҳон баргларини қуритиб қишга асраш учун ўсимлик айни гуркираб, гуллаш олдида устки барглари узиб олинади-да, саватчага ғовак қилиб тахланади, сўнгра у пана, ҳаво эркинлиги бўлган жойларда қуритилади.


**Реклама ва эълонлар / Реклама ва эълонлар / Реклама ва эълонлар / Реклама ва эълонлар**

**"CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

2020 йил 26 март куни соат 11:00да бўлиб ўтадиган такрорий очиқ аукцион савдосига "Электртармоққурилиш" акциядорлик жамиятининг 10.03.2020 йилдаги ДН02/229-сонли буюртманомасига асосан жамият тасарруфида бўлган: 1.Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Бўри-Ота Қ.Ф.Й.да жойлашган умумий майдони 280,0 кв.м.дан иборат бошланғич нархи – 209 630 000 сўм бўлган клуб биноси. 2.Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Оҳанграбо кўчаси, 108,76 сотих ер майдонида жойлашган умумий майдони 1400,0 кв.м.дан иборат бошланғич нархи – 6 522 204 500 сўм бўлган Марказий база бино ва иншоотлари қўйилмоқда.

Юқоридаги кўчмас мулклар 2020 йил 26 март куни соат 11:00да сотилмаган тақдирда, такрорий савдолари 2020 йил 10, 27 апрель, 12, 27 май, 11, 26 июнь, 13, 28 июль, 12, 27 август, 11, 28 сентябрь, 13, 28 октябрь, 12, 27 ноябрь ҳамда 14, 29 декабрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан буюртмачи ташкилот вакиллари иштирокида бевосита манзилга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан кўчмас мулк бошланғич нархининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорида закалат пулини тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат билан бирга қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари шарт:

– юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда;

– жисмоний шахслар – паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда;

Аукцион савдоларида иштирок этувчи талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш расмий иш кунларида (шанба, якшанба ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади. Талабгорлардан буюртмаларни қабул қилиш савдо ўтказиладиган кундан бир иш куни олдин соат 16:00да тўхтатилади. Савдо ғолибига аукцион савдоси натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси имзолаш мажбурияти юклатилади.

Закалат пулини тўлаш учун реквизитлар: "CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖ. АТ "Xalqbank" Тошкент шаҳри филиали амалиёт бўлими. Ҳ/р: 20208000100757166001. МФО 01132. СТИР 304 802 952. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истиқбол кўчаси, 34-уй. Телефон: +998-71-236-25-53. www.capitaltrust.uz

*Лицензия RR – 0298*

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" ДК томонидан Каримов Абдрахман Махмутович номига 2013 йилда Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Уста Ширин кўчаси, 124 А-уй, 37-дўкон учун берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" ДК Сергели тумани бўлими томонидан Балтабаева Зулхумор Тулкуновна номига Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Сўғдиёна кўчаси бўйлаб майдони 500 кв.м, 14-сонли ер участкаси учун берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент ислом университети томонидан 2008 йилда Жумаева Гулмира Баҳодировна номига берилган В № 362293 рақамли (0681 рўйхат рақамли) бакалавр дипломининг иловаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

## ПАРИЖ ОЛИМПИАДАСИГА ҲОЗИРЛИК БОШЛАНДИ

Футбол мухлисларига маълумки, сербиялик мутахассис Любинко Друлович бошқарувидаги 23 ёшгача чарм тўп усталаридан таркиб топган олимпия терма жамоамиз Токиода жорий йили уюштириладиган ёзги Олимпиада ўйинлари йўлланмасини қўлга кирита олмади.

Энди кейинги Олимпиада ўйинлари ҳақида ҳозирдан ўйлаш, 2024 йилда Париж шаҳрида уюштириладиган ёзги Олимпиада ўйинларига тайёргарлик жараёнини пухта режа асосида имкон қадар эртароқ бошлаш зарур.

Миллий Олимпия қўмитаси ва ЎФА Мураббийлар кенгаши ҳамкорлигида ЎФАда ўтказилган қўшма йиғилишда айнан Парижда ташкиллаштириладиган Олимпиада ўйинлари саралашида қатнашадиган жамоа учун комплекс тайёргарлик режасини ишлаб чиқиш, 2001-2002 йилларда туғилган футболчилардан энг саралаларини танлаб бориш муҳокама қилинди. Режага кўра, Париж Олимпиадасига пухта ҳозирлик кўриш мақсадида номзод футболчилардан "Олимпик – 24" жамоаси тузилади ва бу жамоа Ўзбекистон биринчилиги биринчи лигасида қатнашади. Бу жамоа 2001-2002 йилларда туғилган футболчилар билан шакллантирилади. Муҳими жамоага танланган футболчилар ўз клублари билан профессионал шартномага эга бўладилар. Хулоса ўрнида айтиш жоизки, мунтазам ўйин амалиётига эга бўлган футболчилардан тузиладиган олимпия терма жамоамиз Париж Олимпиадаси йўлланмасига эга бўлиши шарт.

**Футбол янгиликлари**

## ЛИЦЕНЗИЯГА ЭГА БЎЛИШДИ

Миллионлар ўйини – футболни ривожлантириш учун ёш иқтидорли мураббийларнинг маҳоратини ошириш талаб этилади.

Пойтахтимизда ОФКнинг "С" лицензияси дастури бўйича ташкиллаштирилган бир ҳафталик мураббийлик курси якунига етди. Йўриқчи Шамил Исаев раҳбарлик қилган ўқув курсида қатнашган 20 нафар тингловчилар ҳам амалий, ҳам назарий машғулотларда иштирок этишди. Тингловчилар орасида яқин ўтмишнинг машҳур футболчиларидан Кенжа Тўраев, Элдор Йўлдошев ва Маҳлиё Сариқоваларнинг борлиги келажакда маҳоратли мураббийлар сафи кўпайиб бораётганлигини англатади.

Якунда имтиҳонни муваффақиятли топширганларга уч йил муддатга "L" лицензияси туҳфа этилди.



## ЛЕГИОНЕРЛАРИМИЗ СОНИ ОРТМОҚДА

"Пахтакор" футбол клуби матбуот хизмати хабарига кўра, жамоа ярим ҳимоячиси, миллий терма жамоамизга номзод Жасур Яхшибоев айни кунларда Беларусда фаолият юритмоқда.

Гап шундаки, Беларусь олий лигаси иштирокчиси – "Энергетик – БГУ" жамоаси мураббийларига Жасур Яхшибоевнинг олимпия терма жамоамизда Осиё чемпионатида кўрсатган ўйини маъқул келган кўринади.

Эндиликда Жасур Яхшибоев "Энергетик – БГУ" жамоаси шарафини ижара асосида ҳимоя қилади.

## СУПЕРЛИГАДА PUMA ТЎПЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИЛМОҚДА

Футбол бўйича Суперлига клублари мамлакат чемпионатининг жорий йилги мавсумини бошлаб юборишди.

Эътиборлиси, жорий йилдан юртимизнинг энг кучли жамоалари чемпионат баҳсларида ўзгача дизайн асосида тайёрланган PUMA тўпларидан фойдаланишмоқда. Чемпионат бошланишидан олдин Coca-Cola суперлигаси логотипи акс эттирилган Янги тўплар тақдимоти бўлиб ўтди. Маълум бўлишича, об-ҳаво шароити ва миллий чемпионатимизга мос тушадиган PUMA тўпларидан Испания Ла-Лигаси клублари ҳам фойдаланишади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

**Қилмиш – қидирмиш**

## МУРАББИЙ ЭНДИ 12 МИЛЛИОН СЎМ ЖАРИМА ТЎЛАЙДИГАН БЎЛДИ

***Айрим инсонлар олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларини ташкил қилиш ва назорат қилиш билан боғлиқ ваколатга эга бўлмасада пул топиш илинжида содда одамларни алдаб чув туширишади.***

"Қаҳрамон"имиз Тўхтамурод Ҳотамов (исм-шарифлар ўзгартирилган) Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг спорт мажмуаси сув ҳавзаси мураббийи бўлсада қўлидан келмайдиган ишга ҳам ваъда берадиганлардан.

Тўхтамуродга июль ойи бошларида таниши Салима унинг номидан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетига талабани ўқишга киритиш масаласида таниши қўнғироқ қилишлигини, гаплашиб олишини айтди.

Кейинчалик унга Асрор Амиров қўнғироқ қилиб, ўқиш масаласида учрашмоқчилигини айтди. Тўхтамурод уни 2 соатдан сўнг ўз ишхонасида кутиб олиб, ўзининг хизмат хонасига таклиф қилди.

У Асрордан телефон рақамини қаердан олганини сўраганида, "Салима"дан олганини айтди. Салимани яхши танигани учун унга ишонч билдириб, бемалол хотиржам гаплаша бошлади. Асрор танишининг укаси Шодибекни Ўзбекистон жисмоний тарбий институти кураш бўлимига ўқишга киритишда ёрдам беришида илтимос қилди.

У Асрорга Ўзбекистон жисмоний тарбия институтида ишловчи танишлари борлигини айтиб, улар орқали 4000 АҚШ долларига ҳал қилиб беришини мумкинлигини таъкидлади. Асрор таклифни ўйлаб кўришини айтиб, хонадан чиқиб кетди.

Орадан бироз вақт ўтгач, Асрор яна Тўхтамуроднинг иш жойига келиб, таниши Шодибек Самиев Ўзбекистон жисмоний тарбия институтининг кураш факультетига ҳужжатларни топшириб қўйганини айтди. У Асрорга кураш фанидан имтиҳон оладиган танишлари борлигини, хавотир олмаслигини, ҳаммаси яхши бўлишини айтиб, у билан хайрлашди.

Орадан икки кун ўтгач, Тўхтамурод Ўзбекистон давлат маданият ва санъат институти "Сув ҳавзаси"да ўтирганида унга Асрор қўнғироқ қилиб, институтга келганини айтди.

Тўхтамурод уни хонасига орлиб кирди. Бир оз суҳбатлашишди. Ўқишга кирмоқчи бўлган абитуриентнинг паспорт нусхасини сўради. Тўхтамурод Асрорга Ўзбекистон жисмоний тарбия институти кураш бўлими бошлиғи ва маданият ва маърифат бўйича ректор ўринбосари "Шавкиддин" исмли таниши билан гаплашиб қўйганини айтиб, у билан бирга тушлик қилишини айтди.

Улар институт ҳудудида жойлашган ошхонага кириб тушлик қилишди. Асрор унга айтган 4000 АҚШ долларини олиб келганини, Самарқандга кетаётганини, шунинг учун пулни олиб қолишини таъкидлади.

Тўхтамурод институт ҳудудида ундан пул олишга қўрқиб, Самарқандга кетаётган бўлса, таксидан почта қилиб юборишини, ўзи эса таксисдан пулни олиб қолишини айтди.

Шунда Асрор уни ўзига бериб кетишини, бошқаларга ишонмаслигини айтди. Асрордан Тўхтамурод институт ҳудудида пулни олишга қўрққанлиги учун унга ҳозир уйига бирга кетишини айтиб, институт сув ҳавзасида турган муқаддам институтда сантехник лавозимида ишлаган "Давлат" исмли танишига уни уйига олиб бориб келишини илтимос қилди.

Давлат унга институтдан чиқиш жойида кутиб туришини, машинасини ўша жойга бошқариб боришини айтди. У Асрор билан бирга институт дарвозасидан чиқиш-кириш жойида Давлатни келишини кутиб туришди.

Орадан 5 дақиқалар ўтгач, Давлат ўзининг оқ рангли "Нексия" русумли автомашинасида уларни ёнига келиб тўхтади. Улар автомашинага чиқиб ўтиришди.

Тўхтамурод Давлатдан "Чинобод" санаторийси томонига қараб ҳайдашини айтди.

Юнусобод туманида жойлашган "Чинобод" санаторийси олдида Давлатдан автомашинани тўхтатишини сўради. Асрорга 4000 АҚШ долларини беришини айтди. Асрор унга 4000 АҚШ долларини берди.

Тўхтамурод пулни олиб, ўзининг шортиги ўнг чўнтагига жойлаштирди. Орадан 10-15 сония ўтгандан сўнг, уларнинг ёнига бир нечта номаълум шахслар келишиб, ўзларини Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси ходимлари деб таништириб, холислар иштирокида текширув эълон қилишди. Департамент ходимлари уни ва бошқа тадбир иштирокчиларини Департаментнинг Юнусобод туман бўлими маъмурий биносига олиб боришди. Тўхтамурод ёнида мавжуд бўлган Асрордан олган 4.000 АҚШ долларини ўз ихтиёри билан Департамент ходимларига тақдим қилди.

Суд Тўхтамурод Ҳотамовга энг кам ойлик иш ҳақининг 60 бараварi, яъни 12.163.800 (ўн икки миллион бир юз олтмиш уч минг саккиз юз) сўм миқдорида жарима жазоси тайинлади.

Осонгина пул топаман деб ўйлаган мураббий энди жарима тўлайдиган бўлди.

**Юсуфали ЭШОВ,**
**Бош прокуратура бошқарма прокурори**
**Хонбиби МАХАМОВА,**
**журналист**


**Реклама ва эълонлар / Реклама ва эълонлар / Реклама ва эълонлар**

# ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ДИҚҚАТИГА!

**Тошкент шаҳрида 2020-2021 йилларда иситиш мавсумига сифатли тайёргарлик кўриш мақсадида, "Toshissiqquvvati" ДУК:**

**– 2020 йилнинг 24 ва 25 март кунлари, иссиқ сув бўйича иссиқлик истеъмолчиларини чегаралаш билан иссиқлик тармоқларини ҳисобланган ҳарорат бўйича синовдан ўтказади;**

**– 2020 йилнинг 31 мартидан 23 апрелгача иссиқ сув бўйича иссиқлик истеъмолчиларини чегараламаган ҳолда, иссиқлик тармоқларининг механик чидамлилиги ва зичлилигини (юқори босимда) синовдан ўтказади.**

*Иссиқлик манбаларининг амал қилиш ҳудудларининг манзилий рўйхати:*

**1-ИМ (М-1,4)**
*2 апрель – босим билан текшириш (опрессовка)*
– Мустақиллик шоҳ кўчаси, Мирзо Улуғбек, Буюк Ипак йўли, Қори Ниёзий, Муҳаммад Юсуф, Сайрам, Тамарахоним, Оққўрғон, Ўткир Султонов, Осиё, Лев Толстой, Навниҳол, Навниҳол 3-кўчаси, Ясси, Қаландар, Бўз, Сайрам 5-тор кўчаси, Сайрам 7-тор кўчаси, Чуст, Катта Дархон, Катта Дархон 2-тор кўчаси, Геология, Иброҳим Мўминов, Ниёзбек йўли, Кичик ҳалқа йўли, Катта ҳалқа йўли, Дўрмон йўли, Шаҳриобод, Зиёлилар, Мирзакалон Исмоилий, Паркент, Боғишамол, Наманган, Зарбулоқ, Қирқйигит, Тамарахоним тор кўчаси, Озодлик кўчалари, Яланғоч, Тошқишлоқмаш, Мавлоно Риёзий, Бўз-1 даҳалари, ТошГРЭС посёлкаси, Ҳамид Олимжон майдони, Тошкент Давлат аграр университети ҳудуди.

**2-ИМ**
*25 март – ҳисобланган ҳароратга текшириш*
*7 апрель – босим билан текшириш (опрессовка)*
– Мирзо Улуғбек, Темур Малик, Авайхон, Мингбулоқ, Феруза, Миришкор, Шукур Бурхонов, Раззоқ Ҳамроев, Салом, Дўрмон йўли кўчалари, Қорасув-1, 2, 3, 4, 6, Ҳумоюн, Феруза, Бўз-2 даҳалари, Геофизиклар посёлкаси.

**3-ИМ (М-1,4)**
*9 апрель – босим билан текшириш (опрессовка)*
– Бунёдкор шоҳ кўчаси, Навоий, Олмазор, Беруний, Ислом Каримов, Қоратош, Фурқат, Афросиёб, Кичик ҳалқа йўли, Самарқанд Дарвоза, Абай, Абдулла Қодирий, Кўкча Дарвоза, Бешёғоч, Нурафшон, Пахтакор, Ҳувайдо, Гулобод кўчалари, Чорсу майдони, Чорсу, Қоратош, Олмазор, Бешёғоч, М-10, 11, 13, 14, М-26, 27, 28, Б-1, Б-2, Б-3 даҳалари.

**4-ИМ (М-0,1)**
*24 март – ҳисобланган ҳароратга текшириш*
*21 апрель – босим билан текшириш (опрессовка)*
– Амир Темур, Мустақиллик шоҳ кўчалари, Осиё, Боғишамол, Минор 1-берк, Чингиз Айтматов, Кичик ҳалқа йўли, Ҳамид Олимжон, Мингўрик, Абдулла Қодирий, Бодомзор, Кўргазма, Қозитарнов, Гиргиртепа, Шивли, Шуҳрат, Боғиравон, Мукаррама Турғунбоева, Шифонур, Гулсарой, Себзор, Олтинсой, Шимолий Олмазор, Зиё, Зулфияхоним, Лабзак, Нурафшон, Қорақамиш, Қорақамиш 1-кўчаси, Талабалар кўчалари, М-1, 2, 4, 5, 6, 12, 15, М-17, 18 (Себзор), Тахтапул, Қорақамиш 1/1, 1/2, 1/3, 1/4, 2/1, 2/2, 2/5 даҳалари, Талабалар шаҳарчаси, Ҳамид Олимжон майдони.

**4-ИМ (М-4,8)**
*23 апрель – босим билан текшириш (опрессовка)*
– Амир Темур шоҳ кўчаси, Аҳмад Дониш, Янгишаҳар, Деҳқонобод, Соҳибкор, Катта ҳалқа йўли, Кичик ҳалқа йўли, Шаҳристон, Уч Қаҳрамон, Мойқўрғон, Рихсилий, Янги Юнусобод, Юнусота, Жумамасжид, Юнусобод даҳаси 1/19 мавзелари.

**5-ИМ (М-0,4)**
*24 март – ҳисобланган ҳароратга текшириш*
*7 апрель – босим билан текшириш (опрессовка)*
– Заргарлик, Лутфий, Нурафшон, Гулханий, Қатортол, Гулистон, Муқимий, Боғистон, Фарҳод, Чўпонота, Боғибўстон, Самарқанд Дарвоза, Сеул, Кичик ҳалқа йўли, Наққошлик, Дўмбиробод, Дўмбиробод 4-тор кўчаси, Серқуёш, Ўсмир, Тахиатош, Ширин, Мақсуд Шайхзода, Қатортол 1-кўчаси, Қатортол 2-кўчаси, Катта Хирмонтепа кўчалари, Чилонзор даҳаси 5/12, Г9А, 16/20, 24/26, С, 20А, Дўмбиробод мавзелари, Оқтепа, Шарқ, Гулистон, Ал-Хоразмий-1, 2 даҳалари, Оқтепа мавзеси.

**6-ИМ**
*31 март – босим билан текшириш (опрессовка)*
– Мунис, Сарикўл, Эски Сарикўл, Янгизамон, Янги Қўйлиқ, Абдурауф Фитрат, Фарғона йўли, Толлимаржон, Файзобод, Меҳржон, Сайҳун, Сурхон кўчалари, Қўйлиқ-1/7, Қўйлиқ-Айланма даҳалари.

**7-ИМ**
*21 апрель – босим билан текшириш (опрессовка)*
– Қорасув, Бешариқ, Бирлашган, Бирлашган 2-тор кўчаси, Элбек, Асалобод, Қурувчилар, Уйсозлар, Паркент, Чўлпон, Алимкент кўчалари, Оҳангарон шоссеси, Тузель-1, 2, 3, 4, Уйсозлар-1, Асалобод-1, 2, Авиасозлар шаҳарчаси-1, 1а, 2, 3, 4 даҳалари.

**8-ИМ**
*1 апрель – босим билан текшириш (опрессовка)*
– Янги Сергели йўли, Меҳригиё, Сўғдиёна, Қипчоқ, Чинор, Давлатобод, Дўстлик, Мирзо Турсунзода, Жаҳонаро, Қўрғонтепа кўчалари, Сергели 1/8А, Йўлдош-1/18, М-1, 2, 3, Дўстлик-1, 2 даҳалари.

**9-ИМ**
*9 апрель – босим билан текшириш (опрессовка)*
– Тақачи, Гулистон, Ширин, Лутфий, Катта ҳалқа йўли, Ўрикзор, Катта Хирмонтепа, Кичик ҳалқа йўли, Бешқайрағоч, Тўқимачи, Нашриёт, Юсуф Саккокий, Фозилтепа, Фарҳод кўчалари, Шарқ, Ал-Хоразмий-1, 2, Бешқайрағоч, Гулистон, Изза даҳалари, Чилонзор даҳаси 9, Г9А, 10, 13/15, 21/25, 30, 31 мавзелари, Ўрикзор бозори доирасида.

**10-ИМ**
*2 апрель – босим билан текшириш (опрессовка)*
– Белтепа, Фаробий, Беруний, Мухбир, Мирзо Ғолиб, Шифокорлар, Талабалар, Университет, Қорақамиш 1-кўчаси, Шифокорлар 2-кўчаси, Қамарнисо кўчалари, Белтепа, Ибн Сино 1, 2, Жарариқ, Қамарнисо, Бешқўрғон-1, 2, 3, 4, Қорақамиш-2/3, 2/4, Олимпия даҳалари, Шифокорлар шаҳарчаси, Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУ, ТошДТУ ҳудудлари.

**ТошИЭМ (М-0)**
*14 апрель – босим билан текшириш (опрессовка)*
– Шароф Рашидов, Бобур, Шота Руставели, Боғибўстон, Арнасой, Катта Чилонзор, Афросиёб, Фидокор, Шоҳжаҳон, Жамшид Шоший, Абдулла Авлоний, Белариқ, Имом ат-Термизий, Ўрикзор, Боғтепа 5-тор кўчаси, Жийдазор 1-тор кўчаси, Муқимий, Якуб Колос, Чимкент, Сеул, Аския, Чўпонота кўчалари, М-7 даҳаси, Чилонзор даҳаси 1/5, Е, И мавзелари.

**ТошИЭМ (М-5,8)**
*17 апрель – босим билан текшириш (опрессовка)*
– Амир Темур, Мустақиллик шоҳ кўчалари, Навоий, Бобур, Глинка, Афросиёб, Қумариқ, Яҳё Ғуломов, Буюк Турон, Истиқбол, Махтумқули, Ислом Каримов, Бухоро, Истиқлол, Содиқ Азимов, Саид Барака, Матбуотчилар, Сайилгоҳ, Шастри, Элбек, Кичик ҳалқа йўли, Шаҳрисабз, Тарас Шевченко, Нукус, Ойбек, Кичик Бешёғоч, Абдулла Қаҳҳор, Ҳайдар Алиев, Олтин водий, Фидокор, Авлиёота, Моштабиб, Миробод кўчалари, М-1, 2, 4, 5, 7, Учувчилар шаҳарчаси, Қушбеги, Бошлиқ даҳалари.

**"Водник" қозонхонаси**
*1 апрель – босим билан текшириш (опрессовка)*
– Ҳусайн Бойқаро кўчаси, "Сувсоз" мавзеси доирасида.

**"Саноатэнерго" қозонхонаси**
*7 апрель – босим билан текшириш (опрессовка)*
– "Қурувчи" мавзеси.

**"Саноатэнерго" қозонхонаси таъсир доирасида 7 апрель куни иссиқ сув таъминоти бўлмайди.**

**Сизнинг эътиборингизни, иссиқлик тармоқлари қувурларида шикастланишлар бўлиши мумкинлигига қаратамиз. Йўлларнинг қатнов қисмига ва пиёдалар йўлига иссиқ сув сачраши мумкин. Шу боисдан ҳайдовчилар ва пиёдалар, маъмурий ва турар жой биноларидаги одамларнинг эҳтиёткор ва эътиборли бўлишлари талаб этилади.**

**Вақтинчалик ноқулайликлар бўлишини тушунишингизни сўраймиз. Ноодатий ҳолларни сезсангиз, (71) 215-72-73 телефони орқали маълум қилишингизни сўраймиз.**

**Қуйидаги иссиқлик марказларини, баҳорги таъмирлаш ишлари муносабати билан, тўлиқ режали тўхтатиш мўлжалланмоқда.**

**Тўхташ даврида иссиқлик марказларининг юқорида кўрсатилган йўналишларининг таъсир доирасида бўлган манзилларда иссиқ сув таъминоти бўлмайди.**

| | |
|---|---|
| 1-ИМ "Шимоли-Шарқий" | *13 апрелдан – 17 апрелгача* |
| 2-ИМ "Қорасув" | *20 апрелдан – 24 апрелгача* |
| 3-ИМ "Ғарбий" | *20 апрелдан – 24 апрелгача* |
| 4-ИМ "Шимолий" | *27 апрелдан – 1 майгача* |
| 5-ИМ "Чилонзор" | *13 апрелдан – 17 апрелгача* |
| 6-ИМ "Жануби-Ғарбий" | *6 апрелдан – 10 апрелгача* |
| 7-ИМ "Авиасозлар" | *27 апрелдан – 1 майгача* |
| 8-ИМ "Сергели" | *6 апрелдан – 10 апрелгача* |
| "Водник" | *6 апрелдан – 10 апрелгача* |
| "Саноатэнерго" | *13 апрелдан – 17 апрелгача* |

4-ИМ иссиқлик манбасининг тўхтатилиши даврида, 10-ИМ иссиқлик манбаси таъсир доирасида бўлган манзилларда иссиқ сув таъминоти бўлмайди.

5-ИМ иссиқлик манбасининг тўхтатилиши даврида, 9-ИМ иссиқлик манбаси таъсир доирасида бўлган манзилларда иссиқ сув таъминоти бўлмайди.

5-ИМ иссиқлик манбасининг тўхтатилиши даврида, қуйидаги манзиллар бўйича иссиқ сув таъминоти ўчирилади:

**5-ИМ (М-0,4)**
*13 апрелдан – 17 апрелгача*
– Заргарлик, Лутфий, Қатортол, Гулистон, Боғистон, Фарҳод, Кичик ҳалқа йўли, Наққошлик, Дўмбиробод 4-тор кўчаси, Ширин, Мақсуд Шайхзода, Қатортол 2-кўчаси, Катта Хирмонтепа, Тақачи, Катта ҳалқа йўли, Ўрикзор, Бешқайрағоч, Тўқимачи, Нашриёт, Юсуф Саккокий, Фозилтепа кўчалари, Чилонзор даҳаси 10/26, 30, 31, Г9А, 20А мавзелари, Дўмбиробод, Шарқ, Гулистон, Ал-Хоразмий 1, 2, Бешқайрағоч, Изза даҳалари, Ўрикзор бозори доирасида.

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан М.Улуғбек тумани, Қорасув-4 даҳаси, 2-уй манзилида жойлашган "MULTI LEASING" МЧЖ номига 3.06.2015 йилда бино-иншоотга берилган TS 0107110 рақамли гувоҳнома ва реестр рақами 9-246/2015 бўлган 10:09:06:03:01:0048 кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент давлат техника университети томонидан Ражабов Ғиёсиддин Буванор ўғлига берилган № 0751 рақамли рейтинг дафтарчаси ва талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" ДК томонидан "FOZIL FAZILATLI BIZNES" масъулияти чекланган жамияти номига 14.09.2018 йилда Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Гулистон мавзеси, 50-уй манзилида жойлашган нотурар жой учун берилган 10:03:05:03:03:0071 кадастр рақамли кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" ДК томонидан "FOZIL FAZILATLI BIZNES" масъулияти чекланган жамияти номига 2017 йилда Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 30-мавзеси, 4-уй, 3-хонадон манзилида жойлашган савдо дўкони учун берилган 10:01:08:02:02:0106 кадастр рақамли кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ЯТТ "Каландарова Наргис Зиёратовна"га тегишли Чакана савдо фаолияти билан шуғулланадиган якка тартибдаги тадбиркорнинг даромадлар ва товар операцияларни ҳисобга олиш дафтари йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**


**ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Тошкент шаҳрида **13 март** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси 3-5 даража илиқ, кундузи – 15-17 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **13 мартда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*


**Тошкент оқшоми**

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95. факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9229

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г-346

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 1210 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00 Босишга топширилди: 15.35

1 2 3 4 5